



## Инновацион кредит маҳсулотлари ва уларнинг қиёсий тавсифи таҳлили

**Б.Б. Абдурахмонов**

Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси,  
Тошкент, Ўзбекистон

*Analysis of innovative credit products and their comparative description*

**B.B. Abdurakhmonov**

*Independent researcher of the Tashkent Institute of Finance  
Tashkent, Uzbekistan*

**JEL Classification:** M4, M42

**Аннотация.** Кенг маънода талқин қилинадиган инновациялар ҳар қандай йўналиши ва фаолият соҳаларида мавжуд. Молиявий инновациялар гуруҳида инновацион фаолият субъектлари асосида тижорат банкларининг инновацияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Банк инновациялари - бу инновацион фаолиятнинг якуниятини, банклар томонидан молия бозорларида ёки ўз фаолиятида янги ёки такомиллаштирилган банк маҳсулоти, хизмати, жараёни, ташкилий шакли ёки технологияси кўринишида тижорат банкининг ресурс салоҳиятини самарали шакллантириши ва жорий этишида амалга ошириладиган молиявий инновацияларнинг ўзига хос тури саналади. Инновацион кредит маҳсулотлари замонавий банк хизматларининг жадаллик билан ривожланиб бораётган тури ҳисобланади. Мақолада инновацион кредит маҳсулотларининг ривожланиши эволюцияси, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг жорий ҳолати, чет эл кредит линиялари орқали кредитлаш амалиёти ҳамда кичик бизнес субъектларини инновацион кредитлаш маҳсулотлари таҳлил қилинган.

**Abstract.** Broadly interpreted

innovation exists in any direction and field of activity. In the group of financial innovations, it is possible to distinguish the innovations of commercial banks based on the subjects of innovative activity. Bank innovations are the final result of innovative activities, a specific type of financial innovations implemented by banks in financial markets or in the form of new or improved banking products, services, processes, organizational form or technology in the effective formation and implementation of the commercial bank's resource potential. Innovative credit products are a rapidly developing type of modern banking service. The article analyzes the development and evolution of innovative credit products, the current state of lending to small business entities by commercial banks in our country, the practice of lending through foreign credit lines, and innovative lending products to small business entities.

**Keywords:** innovation, banking innovations, banking products, classification of innovative products, small business, credit lines

**Калим сўзлар:** инновация, банк инновациялари, банк маҳсулотлари, инновацион маҳсулотлар таснифи, кичик бизнес, кредит линиялари

**Кириш.** Жаҳон амалиётида кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашни такомиллаштириш

ва уларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин кичик бизнес субъектларини кредитлашда банк мол-мулкнинг гаров қиймати корпоратив қимматли қоғозлар учун бозор қийматини аниқлаш, давлат қимматли қоғозлари учун қабул қилинадиган қийматни аниқлаш, харид қилинган мол-мулкни гаров эвазига таъминлаш ва кичик бизнес субъектларини кредитлашда лойиҳалар экологик ва ижтимоий таъсир тоифаларига ажратиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиши, масофавий банк хизматлари кўрсатиши ривожлантириш бўйича замонавий ва илфор бандар хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жаҳон амалиётида кичик бизнес субъектларини инновациялар асосида кредитлашни такомиллаштириш ва уларни қўллаб қувватлашга йўналтирилган илмий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин кичик бизнес субъектларини кредитлашда банк мол-мулкнинг гаров қиймати корпоратив қимматли қоғозлар учун бозор қийматини аниқлаш, давлат қимматли қоғозлари учун қабул қилинадиган қийматни

аниқлаш, харид қилинган мол-мулкни гаров эвазига таъминлаш ва кичик бизнес субъектларини кредитлашда лойиҳалар экологик ва ижтимоий таъсир тоифаларига ажратиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиши, масофавий банк хизматлари кўрсатиши ривожлантириш бўйича замонавий ва илфор бандар хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этишга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Инновация инглизча innovation-янгилик киритиши, янгилик, новаторлик сўзининг таржимаси "новацияя инвестиция" маъносини билдиради.

«Новация (лотинча novation-ўзгариш, янгилаш) илгари бўлмаган янгиликни киритишини англатади. Фуқаролик ҳуқуқига асосан новация томонларнинг ўрнатган мажбуриятларини бошқаси билан алмаштириши билдиради. Бундай алмаштириш натижасини янгилик киритишdir. Молиявий сферада амал қилувчи новация молиявий новация ҳисобланади. Молиявий новациянинг бир қисми банк томонидан банк маҳсулоти ва операциялари шаклида ташкил қилинади. Бу банк новациясидир» [1].

Банк маҳсулоти деганда банк хизматининг моддий расмийлаштирилган



қисми тушунилади (карточка, жамғарма китобчаси, йўл чеки, электрон ҳамён ва х.к.). Банк маҳсулоти буюм шаклига эга бўлиб, у молиявий бозорда сотишга мўлжалланади.

«Банкнинг янги маҳсулоти бирлик (ягона) шаклда ёки кўплиқда бўлиши мумкин. Бирлиқдаги маҳсулот - бу индивидуал маҳсулот, у бошқа банк

маҳслотларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларига эга. Масалан, маълум массадаги аниқ қимматбаҳо металдан ясалган аниқ танга, аниқ кўчмас мулк, аниқ эмитет банкнинг облигацияси ва бошқалари. Бирлиқдаги банк маҳслоти ўзининг аниқ белгиланган харидорларига эга. Шунинг учун у аниқ харидорга ҳисобланиб чиқарилади» [2].

### 1-жадвал

#### Банк маҳсулотлари соҳасидаги инновациялар эволюцияси<sup>1</sup>

| Маҳсулот тоифаси               | Мисол   | Янгилик жорий қилинган йил |
|--------------------------------|---|----------------------------|
| Мижоз кредити                  | Банк кредит карталари   | 1958 йил                   |
| Муддатли депозитлар            | Евродоллар депозитлари  | 1960-                      |
| Муддатли депозитлар            | Айирбошланадиган депозит сертификатлари                       | 1969 йил                   |
| Жорий ҳисоблар                 | Ҳисобланган фоизлар билан жорий ҳисоб                         | 1972/1980                  |
| Кредит карталар                | "Смарт" (чип) карта   | 1974 йил                   |
| Халқаро кредитлаш              | Синдикатлаштирилган кредитлар                                 | 1970-йилларнинг ўрталари   |
| Жамғарма ҳисоблари             | Шахсий пенсия ҳисоблари (ИРА)                                 | 1975 йил                   |
| Халқаро банк иши               | Халқаро банк операциялари федерал корпорацияси                | 1978 йил                   |
| Ипотека                        | сузвчи ставка   | 1980-                      |
| Тижорат кредити                | Юқори леверажли харидлар (ЛБО)                                | 1980-йилларнинг бошлари    |
| Халқаро банк иши               | Халқаро банк воситалари (ИБФ)                                 | 1981 йил                   |
| Ҳисоблар / жамғармалар         | Пул бозори депозит ҳисобварақлари (ММДА)                      | 1982 йил                   |
| Мижоз кредити                  | Қарз олувчининг уй-жойининг тўланган қисми билан таъминланган | 1980-йилларнинг ўрталари   |
| Рискларни бошқариш             | OTC ҳосилалари  | 1980-йилларнинг ўрталари   |
| Истемолчи активларини бошқариш | Ўзаро фонdlар   | 1990-йилларнинг охири      |

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

«Кўплиқдаги банк маҳсулоти индивидуалликдан кескин фарқ қилмайдиган маҳсулот. У ўзига хос хусусиятларига эга эмас. Кўплиқдаги банк маҳсулоти маҳсулот ёки молиявий актив тури бўйича фарқланади, масалан банк депозити, ички заёмнинг барча турлари бўйича давлат облигациялари ва бошқалар. Кўплиқдаги молиявий маҳсулот истеъмолчиларнинг ва инвесторларнинг кенг қамрови учун чиқарилади. Банк янги маҳсулотининг кейинги хусусияти уларнинг лимитланган ёки лимитланмаган шаклда бўлишидир»<sup>2</sup>.

Лимитланган банк маҳсулоти - ҳажми ёки миқдори қатъий чегараланмаган маҳсулот. Бу ҳажм маҳсулот ишлаб чиқараётган вақтда ўрнатилади. Ҳажмининг кўлами банк устав капитали миқдори, истеъмолчилар талаби ва бошқа шу каби омиллар орқали аниқланади. Лимитланган банк маҳсулотига акция, облигация, кредит шартнома турлари ва бошқалар киради. Бу маҳсулот аниқ харидорни ҳисобга олган ҳолда чиқарилади.

Лимитланмаган банк маҳсулоти ҳажми чегараланмаган маҳсулот ҳисобланади. Лимитланмаган банк маҳсулотларига ҳисоб-китоб ва кредит пластик карточкалар, турли банк хизматлари ва бошқалар.

Янги банк маҳсулоти мулк ва мулк ҳуқуқи шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, банк инновацияси таркибига банкларда пайдо бўлган янги банк маҳсулотлари киради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон банк тизимида ҳам банк хизматларининг янги турини жорий қилиш, яъни ахборот технологиялари асосида банк операцияларини ўтказиш, мижозларга пластик карточкалардан фойдаланиш

имкониятларини кенгайтириш, банк ва мижозларни турли дастурий таъминотлар билан таъминлаш, мижозларга уйда хизмат кўrsatiш тизими ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Шахсий компьютерни банк компьютер тизимига боғлаш Қуйидаги операцияларни бажариш учун имконият яратади: жорий кун ҳисоби бўйича балансни олиш, қоида ва йўриқномалар билан танишиш; тегишли давр мобайнида ҳисобдаги пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот олиш; товар ва хизматлар учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш; қимматли қофозлар билан боғлиқ ва бошқа операцияларни амалга ошириш.

Юқорида қайд этганимиздек, тижорат банклари «Банк - мижоз» тизимидан самарали фойдаланмоқда. Чунки ушбу дастур банк учун ҳам, мижоз учун ҳам бирдай қулай ҳисобланади.

Мижозлар - тизимдан фойдаланувчилар банкдан дискет ва паролни оладилар ҳамда шундан сўнг тўлов топшириқномасини тўлдиришлари ва электрон имзо чекилгандан сўнг модем бўйича банкка юборишлари мумкин. Банкда ҳужжатлар қабул қилинади, текширилади ва камчиликлар топилмаса, мижознинг ҳисобидан пул маблағлари автоматик равишда кўчирилади.

«Банк - мижоз» тизими тўлов ҳужжатларини банкка ўзатиш, мижознинг ҳисобидан кўчирималар олиш, мижозларнинг ҳисобига пул маблағларини келиб тушиши бўйича тўлов ҳужжатларини нусхасини олиш, банк билан электрон матнли хабарлар орқали ахборот алмашиниш, ахборот тариқасидаги маълумотларни олишимконини беради ва узатилаётган



маълумотларнинг махфийлиги, сақланишини ва хаққонийлигини таъминлайди.

Мижозларга уйларида хизмат кўрсатиш тизими чакана банк хизматларининг асосий шаклига айланаб бормоқда. Банк бўлимлари томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлар, кредит ва тўлов карточкалари, банкоматлардан фойдаланишга асосланган хизматларни мижозларга уйларида кўрсатиладиган банк хизматларининг ягона тизимини шакллантиради.

Республикамиз банк тизимида мавжуд бўлган замонавий янги технологияларга асосланган банк дастурлари банк ва мижознинг автоматлаштирилган ўзаро алоқаси учун белгилаган бўлиб, пул маблағларининг оператив бошқаришнинг ўсишига ва қуидагиларга имкониятлар яратади:

-мижознинг ҳар куни банкка қат намаслиги ҳисобига ўз вақтини ва маблағини тежашга;

-манзилнинг узоқ яқинлигига қарамасдан мижознинг банкни ўзи ихтиёрий равишда танлашига;

-банк мижозлари бўлган фуқароларга уларнинг уйида, юридик ташкилотларга эса уларнинг идораларида автоматлаштирилган иш жойини ташкил қилган ҳолда банк хизматини кўрсатишга;

-операцион ва ахборотлар соҳасида мижозга кўрсатиладиган хизмат доирасини кенгайтиришга;

-банк бухгалтерларининг меҳнат унумдорлигини оширишга;

-амаллар (операциялар)нинг юкори тезликда ва сифатли рўйхат қилинишини таъминлашга.

-банк мижоз дастурий мажмуасининг ишлаши банк билан мижоз ўртасида коммуникацион алоқа тармоғи

орқали файлда маълумотлар алмашинувига асосланган.

Банкнинг мижозларга банк янги хизматларини кўрсатиш борасидаги дастурлари асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

- Электрон пул ҳисоб-китобхўжжатларини тайёрлаш;

- Сўровномалар ва хабарномаларни шакллантириш;

- Электрон имзо ва маълумотларни рақамлаш;

- Банк билан модем алоқаси;

- Маълумотларни қабул қилиш ва узатиш;

- Қабул қилинган маълумотларни қайта ишлаш;

- Керакли маълумот ва ҳисбот шаклларини босмадан чиқариш;

- Маълумотларни архивлаш.

Банк томонидан яратилган дастурлар ва бошқа янги таъминотлар банкнинг шахсий мулки ҳисобланади. Банк мижозлари ушбу дастурнинг асосий фойдаланувчилари ҳисбланиб, улар муносабатлари тартибга солиниши учун шартнома тузилади. Алоқа каналлари орқали мижоз билан банк ўртасидаги ахборот алмашинуви шартномада келишилган вақтда амалга оширилади. Янги амалиёт куни бошланишдан олдин мижоз ўтган кун бўйича ўз депозит ҳисбварағидаги ҳаракатлар (оборотлар) ва қолдиқларни банк билан таққослаб (текшириб) олиши шарт. Агар ҳаракатлар ва қолдиқлар мос келса, мижозга янги амалиёт кунини бошлаш ва хужжатларни киритиш учун рухсат берилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабаблари аниқланади ва мижоз ахбороти банк ахбороти билан мувофиқлаштирилади. Шахсий ҳисбварағлардаги ҳаракатлар ва қолдиқларнинг таққослаш натижаларидан қатъий назар банк билан мижоз ўртасидаги ахборот сурвномалари ва



хабарлар алмашиниши амалга оширилади.

Охирги йилларда Марказий банк фаолияти бир томондан, ташқи ва ички талабнинг сезиларли ошиши, ишлаб чиқариш фаоллигининг жадаллашиши иккинчи томондан, эса глобал таъминот занжиридаги узилишларнинг сақланиб

қолиши ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хатарлар кучайиши таъсирида инфляцион жараёнларнинг тезлашиши, пандемия даврида кредитлар бўйича берилган имтиёзли муддатларнинг тугаши натижасида банк тизимида кредит хатарларининг ортиши шароитларида олиб борилди.

## 2-жадвал

### Мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг тутган ўрни<sup>3</sup>

| Худудлар                     | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Ўзбекистон Республикаси      | 60,8 | 61,9 | 60,8 | 60,9 | 61,9 | 64,6 | 66,8 | 65,3 | 62,4 | 56   | 55,5 | 54,9 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 60,7 | 60,1 | 62,5 | 62,5 | 62,7 | 69,7 | 63,6 | 58,5 | 57   | 56,3 | 58,1 | 56,4 |
| Андижон                      | 69,1 | 69,8 | 67,3 | 68,4 | 71,3 | 78,5 | 83,6 | 80,2 | 73,1 | 69,6 | 69,9 | 71,8 |
| Бухоро                       | 64,5 | 71,2 | 70,2 | 72,1 | 73,6 | 77,4 | 79,3 | 79,9 | 80,9 | 74,3 | 75,6 | 75,4 |
| Жizzах                       | 79,4 | 80,1 | 78,3 | 76   | 78,4 | 83   | 84,2 | 85,6 | 86,2 | 83,1 | 83   | 81,2 |
| Қашқадарё                    | 61   | 58,6 | 57,4 | 60,3 | 62,2 | 63,2 | 66,7 | 73,6 | 72,7 | 70,8 | 71,5 | 69   |
| Навоий                       | 40,6 | 48,3 | 46,4 | 46,2 | 46,1 | 51   | 50,4 | 49,4 | 42,3 | 30,7 | 25,4 | 27,1 |
| Наманган                     | 72,1 | 74,6 | 72,7 | 74,9 | 75,4 | 78,7 | 79,8 | 80,8 | 80,5 | 75,9 | 74,6 | 73,5 |
| Самарқанд                    | 80,5 | 80,7 | 76,8 | 76,8 | 78   | 80,2 | 81,2 | 82,6 | 80,8 | 75,2 | 74,2 | 73,4 |
| Сурхондарё                   | 74   | 75,4 | 75,1 | 73,6 | 74,4 | 77,4 | 79,1 | 79,5 | 81,2 | 78,8 | 77,1 | 77,3 |
| Сирдарё                      | 74,2 | 73,8 | 72   | 73   | 73,9 | 75,1 | 75,9 | 77,9 | 77,8 | 69,8 | 70,5 | 69,2 |
| Тошкент                      | 64   | 64,5 | 65,6 | 62,3 | 64,3 | 66,5 | 67,9 | 65   | 58,9 | 51,3 | 49,2 | 46,8 |
| Фарғона                      | 64,9 | 65,5 | 65,5 | 63,9 | 63,6 | 69,7 | 73,9 | 71,7 | 71,3 | 69,3 | 70,5 | 69,9 |
| Хоразм                       | 77,5 | 76,2 | 74,8 | 73,6 | 75   | 77,1 | 79,4 | 79,1 | 79,1 | 76,4 | 76,1 | 73,9 |
| Тошкент ш.                   | 64   | 60,7 | 58,9 | 63,5 | 63,3 | 66,7 | 68,1 | 63   | 64,8 | 53,1 | 51,2 | 48,1 |


Мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши охиргги 10 йилда 55-66 фоиз атрофида ўзгариб турганлигини кўришимиз мумкин. Бунда Жizzах (80 фоиздан ортиқ), Сурхондарё (77 фоиздан ортиқ) ва Бухоро (75 фоиз) вилоятлари етакчилик қилмоқда. Навоий вилоятининг улуши эса 40 фоиздан 27,1 фоизга қадар пасайган. Мазкур ҳолатни вилоятдаги йирик ишлаб чиқарувчилар, хусусан, саноат ишлаб чиқарувчиларнинг кўплиги билан изоҳлаш мумкин.

2021 йилда макропруденциал назоратдаги асосий эътибор олдиндан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш орқали банк тизимида молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг молиявий ресурс ва хизматларга бўлган талаби ва эҳтиёжларини реал иқтисодий ўсиш суръатлари доирасида қондириб боришга қаратилди. Хусусан, кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган потенциал молиявий йўқотишларнинг банклар

<sup>3</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф хисоб-китоблари

барқарорлигига бўлган салбий таъсирини олдини олиш мақсадида халқаро Базель III стандартларига мувофиқ юқори фоиз ставкаларда ажратилган кредитларга нисбатан 1,5-2 баробар миқдорида капитал буферини шакллантириш белгиланди.

2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадлари учун 436 мингдан ортиқ лойиҳага жами 59,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган.




**1-расм. Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар<sup>4</sup> (млрд.сўмда)**

2021 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,6 мингта лойиҳасини молиялаштириши учун 2,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат

кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14 мингтадан ортиқ лойиҳаларга 1,9 млрд. АҚШ доллари (86 фоиз) миқдорида кредитлар йўналтирилган.

<sup>4</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди



**2-расм. 2021 йилда хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши<sup>5</sup> (фоизда)**

Мазкур кредит маблағларининг 1 420 млн. АҚШ доллари (65 фоиз) саноат соҳаси, 258 млн. АҚШ доллари (12 фоиз) кишлоқ хўжалиги соҳаси, 253 млн. АҚШ доллари (12 фоиз) хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда 250 млн. АҚШ доллари (11 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳаси субъектларига берилган.

Жаҳон бозорида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва шу орқали мамлакатнинг экспорт ҳамда янги бозорларга кириб бориш имкониятини кенгайтириш мақсадида экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан экспортёр корхоналар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, 2021 йилда республикадаги экспортёр корхоналарга қарийб 4,1 мингга яқин кредит шартномаси бўйича жами 34,1 трлн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди, шундан 15,4 трлн. сўми айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги карорига мувофиқ тижорат банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудудларда сервис соҳасини ривожлантириш учун 1 863 та лойиҳага жами 1,5 трлн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми транспорт хизматларини ривожлантириш (338 та лойиҳага 274,3 млрд. сўм), аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш (255 та лойиҳага 268,2 млрд. сўм), савдо хизматлари (212 та лойиҳага 164,5 млрд. сўм), яшаш ва овқатланиш (220 та лойиҳага 163,8 млрд. сўм) ҳамда таълим соҳасидаги хизматларга (193 та лойиҳага 147,6 млрд. сўм) йўналтирилган.

Тижорат банклари мижозларга маълум комиссион тўлов, ҳақ эвазига турли хизматлар кўрсатиш орқали ўз даромадларини ошириш имкониятига эга. Шу боис банк хизматларининг тури ва ҳажмининг ошиши банк фойдасини оширишнинг манбаси ҳисобланади. Банк хизматларининг шундай турларидан бири бу лизинг бўйича хизматлар ҳисобланади. Тижорат банкларининг лизинг операцияларида банклар машина, асбоб,

<sup>5</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ҳисобланди

ускуна, транспорт ва ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи бошқа асосий воситаларни сотиб олишини молиялаштиради ва лизинг шартномаси асосида уларни узоқ муддатга фойдаланишга беради. Бошқача қилиб айтганда, банк корхонага юқоридага асосий воситаларни сотиб олишга кредит бериш ўрнига ўзи ушбу воситаларни сотиб олади ва ўзида мулк ҳуқуқини

сақлаб қолган ҳолда уларни ижарага беради. Бу ҳолда банк кредит фоизини эмас, балки ижара ёки лизинг тўловини олади.

АИТБ Ипак Йули банки томонидан тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш ва банк мижозлари учун янада қулийликлар яратиш мақсадида қуйидаги кредит маҳсулотлари ишлаб чиқилган.

### 3-жадвал

#### АИТБ Ипак Йули банки томонидан кичик бизнес субъектларини инновацион кредитлаш маҳсулотлари тўғрисида маълумот<sup>6</sup>

| Кредит тури                               | Миқдори   | Муддати    | Гаров таъминоти   |
|---|---|------------|---|
| BUSINESS EXPRESS                          | 300 млн. сўмгacha                                   | 18 ойгacha | туар жой ва нотуар бўлмаган кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, учинчи шахснинг кафиллиги, нақд пул маблағлари ва заргарлик буюмлари   |
| ISHONCH                                   | 100 млн сўмгacha                                    | 12 ойгacha | суғурта полиси ва товар-маҳсулотлар   |
| Кичик бизнесни ривожлантириши учун кредит | 3 млрд. сўмгacha                                    | 48 ойгacha | туар жой ва нотуар жой бўлмаган кўчмас мулк, учинчи томоннинг кафиллиги, автотранспорт воситалари, харид қилиб олинган – қўлга киритилган мол-мулк, нақд пул маблағлари ва заргарлик буюмлари             |
| Express Auto                              | 3 млрд. сўмгacha                                    | 48 ойгacha | харид қилиб олинган машина, туар жой ва нотуар жой бўлмаган кўчмас мулк, нақд пул маблағлари ва заргарлик буюмлар, учинчи томоннинг кафиллиги, автотранспорт воситалари                                   |
| Бизнесга кўмак                            | 40 000 АҚШ долларига ча (Марказий банк курси бўйича | 36 ойгacha | туар жой ва нотуар жой бўлмаган кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, учинчи шахснинг (гаров турининг 30 фоизидан кўп бўлмаган) кафиллиги, сотиб олинган мулк, нақд пул маблағлари ва заргарлик буюмлари |

Банк томонидан тақдим этилаётган мазкур инновацион кредит маҳсулотлари ҳозирги пайтда кичик бизнес субъектлари фаолиятини янада кенгайтириш, фаолият

кўламини ошириш, қўшимча ишлаб чиқариш ташкил этиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

<sup>6</sup> <https://ipakyulibank.uz> “Ипак Йўли” АИТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



BUSINESS EXPRESS кредит маҳсулотининг афзаллиги кредит учун олинган маблағларни ўз хоҳиши истагингизга кўра исталган мақсадда фойдаланиш имконияти мавжудлигидир. Ушбу кредит маҳсулоти тадбиркорлик субъектлари бизнес юритиш жараёнида пул маблағлари етишмовчигини қоплаш учун мўлжалланган бўлиб, кредит ажратилишида тадбиркор хоҳлаган мақсад учун сарфлаши мумкин. Яъни фаолият билан боғлиқ барча харажатлар учун ишлатиши мумкин.

ISHONCH кредит маҳсулотининг ўзига хос афзалликлари қўйидагилардан иборат: «Ипак йўли Банки» АИТБ филиалида асосий ҳисоб рақамининг мавжудлиги, сўнгги 6 ой мобайнида ҳисоб рақамига узлуксиз равишда савдо тушумлари кириб турганлиги, 2-карточка бўйича (файллар шкафи) қарздорлик йўқлиги, таҳлил банк томонидан тасдиқланган усуллардан (тадбиркорнинг фаолият тури ўрганилади, қолдикдаги маҳсулотлар, савдо айланмаси) келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Яна асосий шартларидан бири шуки, бунда мижоз ижобий кредит тарихига эга бўлиши лозим.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун кредитнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

аризани кўриб чиқиш муддати 5 кунгача.

исталган бизнес мақсадларни амалга ошириш учун шартномаларни йўлга кўйиш имконият;

узоқ муддатга кредит олиш, харид қилиб олинган мол-мулкни гаров эвазига таъминлаш имконияти;

харид қилиб олинган мол-мулкни гаров эвазига таъминлаш имконияти;

асосий қарзни тўлаш учун 3 ойгача имтиёзли даврни тақдим этиш имконияти мавжудлигидир.

Express Auto кредит маҳсулоти юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун мўлжалланган бўлиб, автотранспорт воситаси умумий қийматининг 36 фоизи микдоридаги дастлабки тўлов бошқа исталган турдаги гаров таъминотига алмаштирилиши мумкин. Бунда аризани кўриб чиқиш муддати 3 кунгача бўлиб, узоқ муддатга кредит олиш имконияти ҳам мавжуд.

Бизнесга кўмак номли кредит маҳсулотида кредит учун олинган маблағларни ўз хоҳиши истагига кўра исталган мақсадда фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, бунда аризани кўриб чиқиш муддати 3 кунни ташкил этади. Ушбу кредит маҳсулоти нақд кўринишида тақдим этилиши билан алоҳида ажралиб туради.

Олиб борилган тадқиқот ишининг амалий ва таҳлилий натижаларига асосланиб иккинчи боби юзасидан қўйидаги илмий хуросалар шакллантирилди:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажмини ошириш, кредитлаш шартларини осонлаштириш ва қулайлигини ошириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш соҳасида қўшимча имтиёз ва имкониятлар яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши сўнгги 10 йилда 55 фоиздан ортиқ бўлаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат ривожланган давлатлардан анча паст эканлигини кўрсатади. АҚШ, ЕИ ҳамда Осиёнинг айrim ривожланган давлатларида иш билан бандликнинг 90 фоизидан ортиғи, ЯИМдаги улушкининг 80 фоиздан ортиғи



айнан кичик бизнес субъектлари хиссасига тұғри келмоқда.

Мамлакатимизда жағон бозорида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва шу орқали мамлакатнинг экспорт ҳамда янги бозорларга кириб бориш имкониятини кенгайтириш мақсадида экспортёр корхоналарни қўллаб-куватлаш учун банклар томонидан экспортёр корхоналар билан манзилли ишлаш тизими йўлга кўйилди. Кичик бизнес субъектларини кредитлашни инновациялар асосида

такомиллаштиришда хорижий кредит линияларининг ўрни муҳим ҳисобланади. 2021 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,6 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,2 млрд. АҚШ доллари микдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14 мингтадан ортиқ лойиҳаларга 1,9 млрд. АҚШ доллары (86 фоиз) микдорида кредитлар йўналтирилган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шумпетер Ш. Теория экономического развития. М.: Изд-во Прогресс, 1982
2. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. / Спб: Питер, 2008
3. Пригожин А.И. Нововведения: стимулы и препятствия (социальные проблемы инновации). -М.: Политиздат, 1989
4. Уткин А. Морозова Г.И. и другие. Инновационный менеджмент. М. Акалис. 1996
5. Маркова В.Д., Кузнецова С.А. Стратегический менеджмент: понятия, концепции, инструменты принятия решений: справочное пособие. - Новосибирск: [Изд-во ИГУ], 2010. - 323 с
6. Гурьянов С.А. Маркетинг банковских услуг / Под общей редакцией д. э. н., профессора Томилова В. В. - М.: Юрайт - Издат, 2005. - 320с.
7. Масленченков Ю.С., Тавасиев А.М., Эриашвили Н.Д. Расчетные инкассовые услуги банка: Учеб, пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, Элит-2001
8. Лаврушин О.И. Афанасьева О.Н. Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования: учебное пособие / Под ред. Проф. О. И. Лаврушина - 3-е изд доп, КноРус, 2009
9. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Иқтисод молия, 2014.,- 460 б.;
10. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Монография. Тошкент: ТМИ, “IQTISOD-MOLIYA”, 2021 йил. – 162 бет